

**ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ, ҒАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ
КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
ЮЗАСИДАН АЙРИМ ИЛМИЙ МУНОЗАРАЛАР**

Анорбоев Муроджон Рахманқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) адлия кичик маслаҳатчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада Жиноят кодексининг 235-моддасида назарда тутилган қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари ва унинг ижтимоий хавфи таҳлил қилинган. Ушбу жиноят одил судловга ҳамда шахснинг ҳаёти, қадр-қиммати ва эркинлигига жиддий таҳдид соладиган жиноятлар қаторига кириб, унинг олдини олиш жамиятда ҳуқуқий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Мақолада қийноқ тушунчаси ва унинг турлари жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ ва суд амалиёти нуқтаи назардан атрофлича таҳлил қилинган. Қийноқнинг жисмоний, руҳий, психологик ва бошқа шакллари, уларнинг жабрланувчига етказадиган зарари ҳамда жиноят субъектининг жавобгарлик доираси ўрганилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний равишда ишлатилиши мумкин бўлган босим турлари, жумладан, психологик зўрлик, руҳий тазйиқ ва қийноққа тенглаштирилувчи жараёнлар ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларга мувофиқ, қийноққа солиш ва ғайриинсоний муомалага қарши самарали курашиш ва жавобгарликни кучайтиришнинг зарурати асосланган. Мақолада қийноққа солишнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари, жиноятни квалификация қилишдаги муаммолар, суд амалиётида юзага келадиган баҳсли ҳолатлар ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар келтирилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қийноққа солиш ва шафқатсиз муомала нафақат шахсий эркинликни бузади, балки жамиятда қонун устуворлигига ва суд-ҳуқуқ тизимига ишончга жиддий зарар етказиши мумкин. Шу сабабли, Жиноят кодексининг 235-моддаси орқали қийноққа солишга қарши қатъий жиноий жавобгарликни таъминлаш, қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга мослаштириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш зарур.

Калит сўзлар: қийноққа солиш, шафқатсиз муомала, ғайриинсоний жазо, қадр-қимматни камситиш, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, психологик босим, жисмоний зўрлик, руҳий тазйиқ, жиноят процесси иштирокчиси, яқин қариндошлар, ўзбошимчалик билан жазолаш, индамай розилик бериш, қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш.

**Некоторые научные дискуссии о привлечении к ответственности
за применения пыток и других жестоких, бесчеловечных или
унижающих достоинство видов обращения и наказания**

Аннотация:

В данной статье анализируются правовые основы и общественная опасность уголовной ответственности за применения пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих

достоинство видов обращения и наказания, предусмотренные статьей 235 Уголовного кодекса. Данное преступление представляет собой серьезную угрозу не только для справедливого правосудия, но и для жизни, достоинства и свободы человека. Предотвращение таких преступлений имеет ключевое значение для обеспечения правовой справедливости и верховенства закона в обществе. В статье проводится детальный анализ понятия пыток, их различных форм, а также правовых и процессуальных аспектов в уголовном праве, международном праве и судебной практике. Рассматриваются физические, психологические и эмоциональные аспекты пыток, ущерб, наносимый жертвам, а также круг лиц, подлежащих уголовной ответственности. Кроме того, изучаются незаконные методы принуждения, используемые правоохранительными органами, включая психологическое давление, психическое принуждение и процедуры, приравняемые к пыткам. В исследовании также рассматриваются международные обязательства Узбекистана, подчеркивая необходимость эффективной борьбы с пытками и усиления уголовной ответственности за данные преступления. Дополнительно в статье анализируются правовые и социальные последствия пыток, проблемы квалификации данного преступления, спорные вопросы судебной практики и предложения по совершенствованию законодательства. Выводы показывают, что пытки и жестокое обращение не только нарушают личные свободы, но и подрывают верховенство закона и доверие общества к судебной системе. Поэтому обеспечение строгой уголовной ответственности по статье 235 Уголовного кодекса, приведение правовых норм в соответствие с международными стандартами и реализация комплексных мер по предотвращению нарушений прав человека являются крайне важными.

Ключевые слова: пытки, жестокое обращение, бесчеловечное наказание, унижение достоинства, права человека, справедливое правосудие, психологическое давление, физическое насилие, психическое принуждение, участник уголовного процесса, близкие родственники, произвольное наказание, молчаливое согласие, запугивание, избиение, нападение, мучение, страдание.

SOME SCIENTIFIC DISCUSSIONS ON LIABILITY FOR TORTURE AND OTHER CRUEL, INHUMAN, OR DEGRADING TREATMENT OR PUNISHMENT

Abstract:

This article analyzes the legal foundations and social dangers of criminal liability for torture, cruel, inhuman, or degrading treatment or punishment, as provided in Article 235 of the Criminal Code. This crime poses a serious threat not only to fair justice but also to a person's life, dignity, and freedom. Preventing such crimes is crucial to ensuring legal justice and the rule of law in society. The article provides a detailed analysis of the concept of torture, its various forms, and its legal and procedural aspects in criminal law, international law, and judicial practice. The study explores the physical, psychological, and emotional aspects of torture, the harm inflicted on victims, and the scope of criminal liability for perpetrators. It also examines illegal coercive methods used by law enforcement agencies, including psychological pressure, mental coercion, and procedures equivalent to torture. The study further highlights Uzbekistan's obligations under international treaties, emphasizing the necessity of effectively combating torture and strengthening criminal liability for such acts. Additionally, the article

discusses the legal and social consequences of torture, challenges in classifying the crime, controversial aspects in judicial practice, and proposals for improving legislation. The findings indicate that torture and cruel treatment not only violate personal freedoms but also undermine the rule of law and public trust in the judiciary. Therefore, ensuring strict criminal liability under Article 235 of the Criminal Code, aligning legal provisions with international standards, and implementing comprehensive measures to prevent human rights violations is essential.

Keywords: Torture, cruel treatment, inhuman punishment, degrading treatment, human rights, fair justice, psychological pressure, physical violence, mental coercion, criminal process participant, close relatives, arbitrary punishment, silent consent, intimidation, beating, assault, torture, suffering.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Бу қонун нормаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, давлат ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган муҳим кафолатлардан бири ҳисобланади.

Қийноққа солиш ҳар қандай ҳолатда шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва шахсий дахлсизлигига жиддий зиён етказди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз ёки инсон шаънини камситувчи муомала ва жазога дучор этилиши мумкин эмас. Шундай экан, Жиноят кодексининг 235-моддаси шахснинг ушбу конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим кафолатлардан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Қийноқларга қарши Конвенция (БМТ, 1984) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966)ни ратификация қилган. Бу ҳужжатлар давлатдан қийноққа солишни тақиқлаш ва унинг олдини олиш учун ҳуқуқий механизмларни яратишни талаб қилади. Шу сабабли, ЖК 235-моддаси халқаро мажбуриятларни бажариш учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, қийноққа солиш кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан айбдорликни “исботлаш” мақсадида ноқонуний равишда қўлланилиши мумкин. Агар бу ҳаракатлар жазосиз қолса, ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишонч йўқолади, коррупция ва қонунбузарликлар кенгайиши мумкин. Шунинг учун қийноққа солиш жинояти учун жиддий жазо белгиланиши қонун устуворлигини таъминлаш учун зарур.

Қийноққа солиш нафақат жабрланувчига, балки бутун жамиятга психологик ва ижтимоий зиён етказди. Агар бундай ҳаракатларга қарши қатъий жиноий жавобгарлик белгиланмаса, жамиятда қўрқув, норозилик ва давлат органларига нисбатан ишончсизлик кучаяди. Шунинг учун, ЖК 235-моддаси жамиятда адолат ва инсонпарварлик принципларини ҳимоя қилиш учун зарур.

Агар қийноққа солишга қарши кураш самарали бўлмаса, бу ҳуқуқбузарликнинг бошқа шакллари, жумладан, ғайриқонуний ҳибсга олиш, инсон ҳуқуқларини бузиш ва судлов тизимидаги ноҳақ қарорлар каби оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, ушбу жиноятни қаттиқ жазолаш орқали келгусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Демак, қийноққа солиш жинояти жамият учун юқори ижтимоий хавф туғдиради. Бу нафақат шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини топтайди, балки давлатга ва унинг ҳуқуқ-тартибот тизимига бўлган ишончни сусайтиради. Шу сабабли, ЖК 235-моддаси орқали ушбу жиноят учун

жиноий жавобгарликнинг белгиланиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамиятда адолатли ҳуқуқий муҳит яратиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш учун зарурдир.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти юзасидан қуйидагиларни билдириш мумкин:

- **асосий бевосита объект** – ваколатли органлар ва шахслар томонидан далилларни тўплаш ва олишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;
- **қўшимча бевосита объект** – шахснинг ҳуқуқлари дахлсизлиги, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;
- **факультатив бевосита объект** – шахснинг мулкӣ ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

ЖК 235-моддаси таҳририга кўра, маъмурий тарзда қамоққа олинган шахс, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг яқин қариндошлари жабрланувчилар ҳисобланади. Ушбу тушунчаларга қонунчиликда таъриф берилган бўлиб, биз борада бирор ўзгартиш ёки қўшимча зарурати мавжуд эмас, деб ҳисоблаймиз.

Жиноятнинг объектив томони жабрланувчига қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда босим ўтказишда ифодаланадиган шахсни қийноққа солиш ва унга бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашдан иборат.

Бунда қийноққа солиш деганда, шахсга аниқ мақсадларда оғир даражада жисмоний ёки руҳий оғриқ ёки азоб бериш тушунилади [1]. Муомала индивидни бошқа шахслар олдида қўпол таҳқиррласа ёхуд уни ўз иродаси ва виждонига қарши иш тутишга мажбур этса, шаън ва кадр-қимматни камситувчи деб топилади. Ғайриинсоний муомала эса, шахсга қасддан кучли жисмоний ёки маънавий азоб етказишни англатади. Шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи жазо турларини қўллаш маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқда савлашнинг минимал стандартларини бузган ҳолда сақлаш, қонунда назардба тутилмаган жазо турларини қўллаш, қоронғи, санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайдиган ёки узоқ муддат давомида бир кишилиқ камераларда сақлаш, қонунга хилоф равишда яқинлари билан учроаштирмаслик ёхуд меъёрларни бузган ҳолда озиқ-овқат бермаслик каби қилмишларда ифодаланиши мумкин [2, 795-б.].

Руҳий босим деганда, шахсни руҳий мажбурлаш шаклида амалга ошириладиган, белгиланган мақсадга эришишга қаратилган, шу жумладан, натижада инсоннинг руҳий ҳолатида ўзгаришларга олиб келадиган мақсадли ҳаракатлар тушунилади [3, 28-б.].

Психологик босим деганда, бошқа инсоннинг танасига эмас, балки бошқа одамларнинг руҳий ҳолатига, ҳиссиётларига, ҳаёлига таъсир кўрсатиш тушунилади [4, 293-б.].

Руҳий босим ва психологик босим тушунчалари ўхшаш бўлишига қарамай, уларнинг мазмунлари ва таъсир шакллари жиҳатдан баъзи фарқлар мавжуд. Шунингдек, уларнинг айрим фарқларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

1) мазмунига кўра:

Руҳий босим – бу шахснинг эмоционал ва психологик ҳолатини ўзгартириш мақсадида унинг руҳий таъсирланишини кучайтириш ёки пасайтиришга қаратилган жараёндир. Бу, одатда, ички ёки ташқи омиллар (масалан, стресс, ғзаб, ташвиш, умидсизлик) билан ишлаш ёки уларнинг таъсири остида бўлиш орқали амалга оширилади. Руҳий босим инсоннинг ҳиссий ҳолатини

ўзгартиради ва унда турли психологик реакциялар (кўрқув, ғазаб, ҳаяжон, ташвиш ва бошқалар)ни пайдо қилиши мумкин.

Психологик босим – бу шахсга таъсир этиш орқали унинг хулқ-атворини, қарорларини ёки хистуйғуларини ўзгартишга қаратилган тўғридан-тўғри психологик аралашувдир. Бу босимнинг асосий мақсади шахснинг иродасини ва эътиқодларини бузиш ёки уни бошқаришдир. Психологик босим кўпинча психологиядаги ҳақорат, алдаш, шантаж, таҳдидлар каби усуллар орқали амалга оширилади;

2) таъсир шаклига кўра: Руҳий босим ҳиссий ва эмоционал таъсирланишни кўрсатади, яъни шахснинг ички ҳолатини, руҳий ҳолатини бузишга ёки сезиларли даражада ўзгартиришга қаратилган бўлади. Психологик босим эса, шахснинг хулқ-атворини, қарорларини ёки ички эътиқодларини бошқаришга ёки ўзгартиришга қаратилгандир.

3) мақсадига кўра: Руҳий босим одамнинг эмоционал ҳолатини ўзгартишга, уларнинг ички стрессини ва психоэмоционал ҳолатини ўзгартириш олиб келиши мумкин. Психологик босим шахсни бирор мақсадга ишлатиш учун бошқариш ёки унинг эркинлигини чегаралашга қаратилган бўлади.

4) қўлланилиш шаклига кўра: Руҳий босим стресс, депрессия ёки бошқа психоэмоционал бузилишларни келтириб чиқаради. Психологик босим шахсга таъсир қилган ташқи ёки ички омиллар орқали унинг қарорларига таъсир кўрсатади.

Демак, руҳий босим кўпинча шахснинг эмоцияларига ва ички ҳолатига таъсир қилса, психологик босим кўпроқ ташқи ирода ва хулқ-атвори ўзгартиришга йўналтирилган. Буларнинг ҳар бири психологик ва эмоционал бузилишларга олиб келиши мумкин, лекин психологик босим, кўпинча, шахснинг эркинлигига хавф туғдиради ва оғирроқ ижтимоий хавфларни юзага келтириши мумкин.

Қонунга хилоф руҳий ёки психологик босим қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1) “тавсиявий интервенция” – бу шахснинг онгига кучли аралашуш орқали унинг иродасини тўлиқ бўсишга қаратилган аралашув бўлиб, бу натижада руҳий ҳолатда ўзгаришлар содир бўлади. Аслида ушбу усул шахснинг фикрлари, хулқ-атвори ёки руҳий ҳолатини ўзгартиш мақсадида тавсиялар ёки таъсирлар орқали амалга оширилган психологик аралашув бўлиб, бу процесс кўпинча шахснинг онгини тўлиқ хабардор бўлмаган ҳолда ўзгартириш учун гипноз ёки бошқа усуллар орқали амалга оширилади. Терапевтик мазмунда, тавсиявий интервенция ижобий мақсадларда, масалан, стрессни камайтириш ёки хулқни ўзгартириш учун фойдаланилади. Аммо, агар у ахлоққа ва қонунчиликка зид усулда ишлатилса, бу шахснинг хоҳиш-иродасига қарши ишлаш, яъни руҳий мажбурлашга айланиши мумкин. Ушбу аралашув гипноз орқали амалга оширилиши мумкин, аммо бунда терапевтик мақсадлар эмас, балки ҳуқуққа хилоф мақсадлар кўзланади. Бундай ҳолатда шахснинг иродаси ва хулқ-атворига таъсир қилиш, кўпинча унинг хоҳиш-иродасини ўзгартириш ёки яширин равишда уни манфаатларига зид ҳолда бошқариш учун амалга оширилади;

2) психотроп воситалар, гиёҳвандлик воситалари ва заҳарли моддалардан қонунга хилоф мақсадларда фойдаланиш. Психотроп моддалар ва гиёҳвандлик воситалари инсоннинг фикрлаш тарзи, ҳиссий ҳолати ва хулқ-атворига таъсир қилиш учун қонуний тартибларга зид бўлган усулда қўлланилиши мумкин. Бундай моддаларни шахснинг хоҳишига қарши, мақсадли равишда ва яширинча ишлатиш, унинг онгини бузиш ва бажаришларига ёки қарорларига таъсир кўрсатиш мумкин. Мисол учун, шахсга психотроп моддалар берилиши, унинг воқеаларга

ёки муҳитга нисбатан тушунчаларини бузиши, қарорларини ўзгартиришга ёки турли муаммоларга дуч келишида унга таъсир қилиш учун амалга оширилади;

3) таъсири инсоннинг ақлий фаолияти учун ҳалокатли бўлган ташқи воситалардан фойдаланиш (ультратовуш, ёрқин нур ва бошқалар). Турли ташқи воситалар инсоннинг ақлий фаолиятига таъсир қилиш учун фойдаланилади. Ушбу усуллар орасида ультратовуш, ёрқин нур ва бошқа таъсирланиш омиллари бор. Ультратовуш жиҳозлари ёки ёрқин нурлар ўз вақтида ёки давомли равишда таъсир қилса, улар шахснинг руҳий ҳолатини бузишга, бош қотиш, оғриқ ёки бошқа бузилишларга олиб келиши мумкин. Бу моддалар, агар улар одамнинг хоҳишига қарши қўлланилса, унинг шошилини ёки таҳдидли қарорлар қабул қилишини кўзлаш ёки уларни бошқариш учун ишлатилса, қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланади;

4) оғзаки бузғунчи воситалардан фойдаланиш (қўрқитиш, алдаш, ҳақорат қилиш ва ҳ.к.). Оғзаки бузғунчи воситалар, шахсга психологик босим ўтказиш учун фойдаланилади. Қўрқитиш, алдаш ёки ҳақорат қилиш орқали одамнинг ҳиссий ва руҳий ҳолатини ўзгартиш мумкин. Бу воситалар шахсга тўғридан-тўғри таъсир қилмасдан, унинг хулқ-атворини ўзгартиришга, уни таҳдидлар ёки айблашлар орқали унга мансуб қарорлар қабул қилишга ёки ижро этишга мажбурлашга қаратилган. Масалан, шахсга қўрқитиш орқали қандайдир номуваффақиятларга ёки салбий оқибатларга дуч келиши ҳақида ишонч берилиши, уни бошқариш ва унинг қарорларини ўзгартиш учун ишлатилиши мумкин. Ҳақоратлар ва бошқа кўрсатилган оғзаки бузғунчи воситалар шахснинг ёки унинг атрофидаги бошқаларнинг руҳий ҳолатига жуда салбий таъсир кўрсатади ва бундай ҳаракатлар қонунга хилоф бўлади.

Айрим тадқиқотчилар психотроп воситалар, гиёҳвандлик воситалари ва заҳарли моддаларни ноқонуний мақсадларда қўллашни руҳий босим эмас, балки жисмоний босим сифатида тушунишади [5, 9-б.]. Албатта, шахснинг иродасига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга мажбурлаш мақсадида шахсга жисмоний азоб бериш билан бирга олиб бориладиган мажбуран инексия, бизнингча, руҳий босим билан боғлиқ жисмоний босим сифатида қаралиши мумкин [3, 28-б.]. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, психотроп воситалар ёки руҳий мувозанатга таъсир қилувчи турли моддаларни истеъмол қилиш кўпинча жабрланувчидан яширинча, жисмоний босим ишлатмасдан ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолда ҳаракатларни руҳий босим қилиш деб ҳисоблаш мумкин.

Жисмоний босим деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний азоб берадиган, яъни зўрлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак. М.Мусаев қайд этганидек, жиноят ҳуқуқида ҳуқуққа хилоф зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин. Бу зўрлик бевосита айбдорга ёки унинг қариндошларига, яқин кишилари ёхуд бегоналарга нисбатан қўлланилган бўлиши мумкин [6, 167-б.]. М.Рустамбаевнинг қайд этишича, жисмоний зўрлик – жабрланувчига ҳар қандай даражада тан жароҳати етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин [7, 62-б.]. Шуни қайд этиш лозимки, жисмоний зўрлик шахсга нисбатан аниқ йўналтирилган, унга кучли жисмоний ва руҳий оғриқ бериш мақсадида қилинган зўравонлик ёки жабр етказишдир. Жисмоний зўрликнинг энг муҳим жиҳати инсондаги ирода кучи ва унинг иродасини синдиришдир. Жисмоний зўрлик бўлишини англаган инсонни ваҳима (ёқимсиз аҳвол пайтидаги ноаниқ ҳислар), қўрқув (муайян хавфли одам ёки ҳаракатга нисбатан акс-таъсир) ёхуд назорат қилиб бўлмайдиган ташвиш, даҳшат ҳислари қамраб олиши мумкин [8, 84-б.]. Жисмоний зўрлик – куч ишлатиш, шахсни дўппослаш,

калтаклаш, баданига шикаст етказиш (масалан: қўлини қайириш, баданининг айрим қисмларини куйдириш) кўринишларида амалга оширилиб, бевосита жинсий алоқани содир қилишда жабрланувчининг қаршилигини синдириш учун ишлатилади [9, 322-324-б.]. Бунда жабрланувчининг қаршилиги мавҳум ёки сохта бўлмасдан, ҳақиқий бўлиши лозим. Жисмоний зўрлик жабрланувчига нисбатан жадал, тўхтовсиз бўлиб, унинг қаршилигини енгиш учун етарлича эффектив, таъсирли бўлиши лозим. Жисмоний зўрлик тушунчасининг моҳияти барча адабиётларда деярли ўхшаш талқин қилинган ва биз ҳам ушбу фикрларни тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Бошқача тарзда босим деганда, руҳий, психологик ёки жисмоний босим ҳисобланмаган ҳар қандай турдаги босим ўтказиш тушунилади.

Қайд этиш зарурки, ЖК 235-моддасида руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда босим ўтказишнинг қонунга хилофлиги уларни қўллаш усуллари билан боғлиқдир. Яъни, ушбу жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг содир этиш усули муҳим аҳамиятга эга. Модда диспозициясига кўра, бундай усуллар сифатида қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида бўлиши мумкин.

Қўрқитиш деганда, шахсни жисмоний ёки руҳий жиҳатдан қўрқув ҳолатга келтириш, унинг ҳаёти, саломатлиги ёки қариндошлари хавф остида эканлигини билдириш орқали таҳқирлаш ёки ёлғон ишоралар билан хавотирга солиш тушунилади.

Уриш деганда, жисмоний зўравонликнинг бир тури бўлиб, одамни қўллар ёки бошқа ҳар қандай восита билан уриш тушунилади. Уриш жисмоний азоблаш ва шахсга жисмоний зўравонлик кўрсатишга қаратилган.

Дўппослаш деганда, турли қисмларда урган ҳолда инсонни қаттиқ уриш, унинг жисмоний ҳолатига таъсир қилиш ва уни қийноққа олишга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар тушунилади.

Қийнаш деганда, жисмоний ёки руҳий оғриқларнинг муқаррар шакли бўлиб, одамга узоқ давом этган азобларни, кайфиятни ва саломатликни бузишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Қийноқ қасддан инсоннинг қийинчиликларини кучайтириш, унинг қадр-қимматини камситиш ва уни жисмоний ёки руҳий жиҳатдан заифлаштиришга олиб келади.

Азоб бериш деганда, қийноқ ёки жисмоний ёки руҳий босимни олиб келадиган ҳаракатлар тушунилиб, инсонга оғриқни узоқ давом эттириш мақсадида амалга оширилади.

Қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари билан мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўкадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

Жиноят субъектив томондан фақат тўғри қасд орқали содир этилади. Бунда жиноят мақсади муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ЖК 235-моддаси 1-қисми диспозициясига кўра мазкур жиноят қуйидаги мақсадларда содир этилади:

– ЖК 235-моддасида саналган шахслардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида;

– уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида.

Ушбу мақсадларда амалга оширилган қийноқ ёки зўравонликнинг асосий ғояси шахсдан ё ёлғон иқдор ёки ахборот олиш ёки унинг ҳаракатларини бошқаришдир. Жиноятни содир этувчи шахснинг мақсади инсонни шакллантириш ёки мажбурлаш, унинг ҳаёти ёки эркинлигини тартибга солиш ёки унинг қарашларини ўзгартиришдир.

Жиноятнинг субъекти қуйидаги шахслар бўлиши мумкин:

- 1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ходими;
- 2) бошқа давлат органининг ходими;
- 3) ушбу органлар ходимининг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахс.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Convention against torture and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment adopted December 10, 1984 by General Assembly Resolution 39/46. // www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/convention-against-torture-and-other-cruel-inhuman-or-degrading
2. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. Дасрлик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 795.
3. Васькэ Е.В. Психическое и психологическое воздействие в уголовном процессе – к определению понятий. // Российский психологический журнал. – 2010. Т.7. – № 1. – С. 28.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.3. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 293.
5. Алексеев И.Н. Понуждение, принуждение и насилие в уголовном праве. // Уголовный процесс. – 2006. – № 1. – С. 9.
6. Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 167.
7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Дасрлик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 62.
8. Юлчиев А., Асланов М. Одамлар савдоси (траффики)га қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 84.
9. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. В.М. Лебедева, Ю.И.Скуратова. – М., 1996. – С. 322-324.